

БИОЛОГИЯ ФАНИДАН “БАКТЕРИАЛ ЎЃИТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ”  
МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Улухужаева Нозима Нарзуллохоновна

*НамМТИ академик лицей олий тоифали биология фани ўқитувчиси*

Юртимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-иктисодий ислоҳотларни амалга оширишда жаҳон андозалари даражасида билим олган заковатли, ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, бирон бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиласидиган, изланувчи, янгиликка интилевчи истеъдодли ёшлар-талабалардан юксак малакали мутахассислар етказиши, хусусан, олий таълим тизимида етук мутахассисларни тайёрлаш максадида мутахассислик фанларини ўқитишида ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига қўтариш, таълим, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усусларини, жумладан, ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланиш ўта муҳим, шунингдек, долзарб масаладир.

Микробиология ва қишлоқ ҳўжалик биотехнологияси фанини ўқитишининг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш, фан юзасидан электрон ўқув модули ишланмасини шакллантириш ҳамда ўқитишини такомиллаштириш бўйича хulosалар ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат. Қайд этиб ўтилган мақсадга “Бактериал ўѓитлар аҳамияти” мавзусининг замонавий машғулот ишланмасини яратиш орқали эришилади. Талабаларга ушбу мавзу доирасидаги билим ва қўниқмаларини инновацион технологиялар асосида муқаммал ўзлаштириш имконини яратилади.

Ушбу машғулотни ёритишида талабаларга қўйидаги режа асосида маълумотлар берилади.

- Бактериал препаратлар
- Вирусли энтомопатоген препаратлар
- Замбуруғлар асосида олинадиган энтомопатоген препаратлар

“Бактериал ўѓитлар аҳамияти” мавзусидаги маъруза машғулотининг таълим технологияси модели ва технологик харитаси тузилади, талабалар мавзу доирасида мустақил ишлашлари учун кейс-стади тайёрланади ва мавзуга тегишли органайзерлар тавсия этилади.

Ўқитишиш воситаларидан “БББ”, “Венн диаграммаси”, “Т-чизма” органайзерлар ва турли мавзуга оид жадваллардан мавзуни ёритишида фойдаланилади.

### АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум методидан ҳам маъруза, ҳам амалий дарсларда фойдаланиш қулай. Бу метод бир зумда аудиториядаги барча ўқувчи-талабаларни қамраб олиб уларни актив ҳолатга келтиради. “Ақлий ҳужум” жамоа бўлиб муҳокама қилишнинг самарали методидир. Унда бирор муаммонинг ечимини топиш барча иштирокчиларнинг фикрини эркин ифодалаш орқали амалга оширилади.

### БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ МЕТОДИ

Бу метод маъруза дарслари учун қулай. Ўқитувчи мавзу бўйича асосий тушунчалар ва иборалар рўйхатини техник восита ёрдамида талаба-ўқувчиларга тақдим этади. Талаба-ўқувчилар ўзлари биладиган ва билмайдиган тушунчалар ва иборалар билан намунаидаги жадвални тўлдирадилар:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

Бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш. Талабалар одатда лаборатория машғулотларида жавоб бериш учун маърузалар тайёрлашади. Бунинг учун талабаларга маърузалар тайёрлаш йўллари ва имкониятларини ўргатиш лозим. Ана шундай имкониятлардан бири – бу бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш ҳисобланади. Мазкур маъруза жадвал ҳолатида тайёрланиб, талабага жавоб бериш учун таянч сигнал вазифасини бажаради. Бунинг учун талаба тўрт устундан ва материалнинг ҳажмига қараб бир неча устундан иборат оддий жадвал тузади. Юқоридаги қатордаги устунларда ахборотнинг турли манбалари номини кўрсатишади: дарсликлар, журнал мақолалари, интернет материаллари, интервьюлар.

Чап томондан биринчи катакнинг ҳар бир қаторига талаба мавзуга тегишли ёки жавоб олиниши зарур бўлган саволни ёзади:

Саволлар	Дарсл ик	Журна л мақолалари	Интернет материаллари
Бактериал ўғитлар номлари?			

Бактериал ўғитларга қўйиладиган талаблар?			
Бактериал ўғитларни ишлаб чиқариш технологияси?			
Бактериал ўғитларни қўллаш технологияси?			

“Т-чизма”

Бактериал ўғитларнинг ёки минерал ўғитларнинг қўп миқдори тупроқ микроб ценозига таъсири

Афзалликлари	Камчиликлари
Азот ва углерод моддаларининг алмашинишида катнашадиган микроорганизмларни сони ва сифати яхшиланади.	Узоқ вақт, сурункасига минерал ўғитлардан фойдаланган тупроқларда микробиологик жараёнлар сусайиб боради.
Целлюлоза парчаловчи микроорганизмларнинг сони ошади	тупроқдаги баъзи-бир физиологик гуруҳ микроорганизмларни, хусусан аэроб азот ютувчи ва анаэроб сульфатредукция қилувчи гуруҳларнинг фаолияти сусайиб кетади.

**Веңн диаграммаси технологияси.** Бу методдан ўрганилган, бир-бирига боғлиқ тушунчаларни таҳлил қилиш, солиштириш, таққослаш ва мустаҳкамлашда фойдаланиш яхши самара беради. Масалан: Бактериал ўғитларни алоҳида, минерал ўғитларни алоҳида ва уларнинг биргаликда қўлланилиши натижасида тупроқ микроб ценозларга қандай таъсир этади деган савол берилади.



Юқорида күрсатилған интерфаол үқитиш методларидан машгулотни үқитиш тизимида қўллаш жудай ва самаралидир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Артикова Р., Муродова С. Қишлоқ хўжалик биотехнологияси. Ўқув кўлланма. Тошкент, “Фан ва технология” нашриёти, 2010, -252 б.
2. Давранов К.Д. Биотехнология: илмий, амалий ва услубий асослари. Т.: 2008, -504 б.
3. Давронов Қ.Д., Артикова Р.М., Т.Юсупов. Қишлоқ хўжалик биотехнологияси (амалий-лаборатория машгулотлари) ТошДАУ. 2001, -63 б.
4. С.Мисирова, Н.Мелanova, И.Курбонов. Қишлоқ хўжалик биотехнологияси ва микробиология. Ўқув кулланма. 2019